



QAROR - ҚАРОР

2004 yil 6. mart

№ 89-2

«Фукаро Орзиев Ёкубжонга шахсий савдо дукони ва автобус бекати куришга рухсат бериш тугрисида».

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»-нинг 23 моддаси «Ф.Косимова» номли жамоа хужалигининг 2001 йил 10 августдаги 8 сонли умумий вакиллар йигилиш қарори, Кайнама кишлоқ фукаролар йигилиш раисининг талабномаси, туман ер танлаш ишчи гуруҳ томонидан тузилган далолатномаси, ҳамда Миришкор маҳалласида яшовчи фукаро Орзиев Ёкубжоннинг туман хокимлигида кайд этилган аризасига асосан :

Қарор қиламан :

1. Самарқанд туман Ф.Косимова номли жамоа хужалиги Миришкор маҳалласида яшовчи фукаро Орзиев Ёкубжонга шахсий савдо дукони ва автобус бекати куриш учун 0,01 га ер майдони ажратиш хақидаги Ф.Косимова номли жамоа хужалигининг 2001 йил 10 августдаги 8 сонли умумий вакиллар йигилиш қарори тасдиқлансин.

2. Фукаро Орзиев Ёкубжонга ушбу шахсий савдо дукони ва автобус бекатининг куришдан олдин қатъий равишда лойиха хужжатлар тайёрлаб, Давлат курилиш экспертизаси ва Давлат курилиш назорат инспекцияси руйхатидан утказилгандан сунг лойиха хужжатларни туман бош меъмори билан келишилган ҳолда куриш юклатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг уриносари Ф.Ражабов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими : -

Р.Хақимова